

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН, ИНСОН БАХТИ УЧУН!

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета № 1 (1327), 2025 йил 1 январь, чоршанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ



Муҳтарам ватандошлар!

Сиз, азизларни, кўпмиллатли Ўзбекистон халқини янги — 2025 йил билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Жаҳондаги мураккаб вазиятга қарамасдан, ўтаётган йил мамлакатимиз учун қутли ва баракали бўлди. Бунинг учун ҳар қанча шукрона айтсак, арзийди.

Меҳнаткаш халқимизнинг фидокорона меҳнати, сиёсий-ижтимоий фаоллиги билан Янги Ўзбекистон гоёси реал воқеликка айланмоқда.

Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар демократик ислохотларнинг янги даврига қадам қўйганимизни яна бир марта тасдиқлади.

Юртимизда юқори технологияли янги sanoat мажмуалари, инфратузилма ва логистика тармоқлари, автомобиль ва темир йўллар барпо этилди. Бизнес, IT ва туризм соҳалари изчил ривожланмоқда. Аҳоли даромадлари ва турмуш сифати ошмоқда.

Миришкор деҳқон ва фермерларимиз, кластерларимиз ишчи-хизматчилари мардона меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштирдилар.

Янги уй-жойлар, боғча ва мактаблар, олийгоҳлар, маданият ва спорт масканлари қад кўтармоқда. Юртимиз тобора обод қиёфа касб этмоқда. Минглаб юрtdoшларимиз Янги йилни янги йилларда кутиб олмақда.

Билмилли ва шижоатли, навқирон ёшларимиз улкан ютуқларни қўлга киритмоқда. Айниқса, Олимпия ва Паралимпия ўйинларида эришилган рекорд натижалар миллий спортимиз тарихида янги саҳифа очди.

Фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, маҳалланинг роли ва таъсири кучаймоқда. Маънавий юксалиш жараёнлари ҳаётимизда янги куч, янги ҳаракатга айланмоқда.

Глобал аҳамиятга эга ташаббусларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Халқаро майдонда Ўзбекистоннинг рақобатбардош мамлакат, ишончли ҳамкор сифатидаги обрў-эътибори юксалиб бормоқда.

Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси диёримиздаги барқарорлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик натижасидир.

Бугунги шуқудли оқшомда сиз, азизларга, олижаноб ва бунёдкор халқимизга ҳалол меҳнатингиз, она юртга садоқатингиз учун самимий миннатдорчилик изҳор этаман.

Қадри дўстлар! Биз 2025 йилга мамлакатимизда **Агроф-муҳитни асраш ва "яшил" иқтисодиёт йили** деб ном бердик. Асосий мақсадимиз — инсон ва табиат мувозанатида асосланган тизим яратишдир.

Янги йилда бизнес учун янада кенг имкониятлар яратилади. Хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш ишларини қатъий давом эттирамиз.

Ижтимоий соҳалар, иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар, нафақалар миқдорини ошириш эътиборимиз марказида бўлади.

Фарзандларимизнинг замонавий билим ва касб-ҳунар эгалари, баркамол бўлиб тарбия топишлари учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Илм-фан, таълим, солиқни сақлаш, маданият ва санъат, спорт соҳаларига эътибор янада кучайтирилади. Муҳтарам фахрийларимиз, хотин-қизлар ва ёшларга ғамхўрлик қилиш, ижтимоий ҳимоя самарасини ошириш устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Қуролли Кучларимиз салоҳиятини мустақамлаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг она аъзоларини қўллаб-қувватлаш ишларини янги bosқичга кўтарамиз.

Муҳтасар айтганда, **"Инсон қадрини, инсон бахтини учун!"** деган олижаноб мақсадни барчамиз биргаликда амалга оширамиз.

Азиз ва муҳтарам юрtdoшлар! Барчангизни, чет эллардаги ватандошларимиз, хорижий ҳамкор ва дўстларимизни бугунги кунгўр байрам билан яна бир бор чин дилдан табриклайман.

Янги йил ҳар бир инсон, ҳар бир oilага, жонажон юртимизга катта-катта ютуқ ва омадлар олиб келсин! Ҳамма эзгу ниятларимиз рўёбга чиқсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Кириб келаётган янги — 2025 йил муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар, парламентлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, глобал молиявий институтлар раҳбарлари, таниқли сиёсатчилар, жамоат ва дин арбобларидан самимий табрик ва тилаклар келмоқда.

Халқаро ҳамкорлар ўз қутловларида мамлакатимиз етакчиси раҳбарлигида Янги Ўзбекистонда сиёсий янгиланишлар ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар дастури муваффақиятли амалга оширилаётгани, дав-

латнинг жаҳон миқёсидаги нуфузи ва мавқеини мустақамлашга хизмат қиладиган фаол, конструктив ва прагматик ташқи сиёсат олиб борилаётганини қайд этмоқда.

Хорижий етакчилар Ўзбекистон Президенти ва кўпмиллатли халқга тинчлик-осойишталик, бахт-саодат, фаровонлик, катта муваффақиятлар ва раванқ тилаklarини изҳор этмоқда.



Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Хурматли Шавкат Миромонович!
Янги йил байрами муносабати билан энг самимий табрикларимни қабул қилинг.

Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари жадал ривожланишда давом этмоқда. Тошкентдаги конструктив ва самарали музокараларимиз, шунингдек, МДХ, ШХТ ва БРИКС саммитлари доирасидаги учрашувларимиз ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги, истиқболли йўналишларини белгилаб олиш имконини берди.

Сўнгги вақтларда эришилган келишувларнинг амалга оширилиши Россия — Ўзбекистон

алоқаларининг доирасини янада кенгайтиришга, Марказий Осиё ва умуман Евроосиё қитъасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги сазй-ҳаракатларни яқиндан мувофиқлаштиришга хизмат қилишига ишонаман.

Сизга, ҳурматли Шавкат Миромонович, оилангиз ва яқинларингизга 2025 йилда мустақам соғлиқ, фаровонлик ва муваффақиятлар ёр бўлишини, дўст Ўзбекистон халқига эса бахт-саодат ва раванқ тилайман.

Хурмат билан,

Владимир ПУТИН,
Россия Федерацияси
Президенти



Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Хурматли Шавкат Миромонович!
Сизни кириб келаётган янги 2025 йил билан чин қалбимдан табриклайман!
Сизга туганмас куч-қувват, қардош Ўзбекистон халқи фаровонлиги йўлидаги масъулиятли фаолиятингизда катта муваффақиятлар тилайман.

Қосим-Жомарт ТОҚАЕВ,
Қозоғистон Республикаси Президенти



Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Хурматли Шавкат Миромонович!
Қирғиз Республикаси халқи ва шахсан ўз номидан Сизни ва қардош Ўзбекистон халқини кириб келаётган Янги йил билан самимий муборакбод этаман!
Сизга ва яқинларингизга мустақам соғлиқ, бахт-саодат ва янги муваффақиятлар, биродар ўзбек халқига эса фаровонлик ва раванқ тилайман!

Хурмат билан,
Садир ЖАПАРОВ,
Қирғиз Республикаси Президенти



Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Хурматли Шавкат Миромонович!
Сизни кириб келаётган янги — 2025 йил билан чин қалбимдан табриклайман. Сизга мустақам соғлиқ, бахт-саодат ва ташаббусларингизда улкан муваффақиятлар, қардош ўзбек халқига эса тинчлик-осойишталик ва раванқ тилайман. Янги йил барчамизга бахт ва фаровонлик олиб келсин!
Хурмат билан,

Сердар БЕРДИМУҲАМЕДОВ,
Туркменистон Президенти



Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Хурматли Шавкат Миромонович!
Кириб келаётган 2025 йил билан самимий табрикларимни қабул қилинг. Сизга мустақам соғлиқ, бахт-саодат ва барча ташаббусларингизда катта муваффақиятлар тилайман. Янги йил Сиз учун тинчлик ва фаровонлик йили бўлсин!
Чуқур ҳурмат билан,

Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ,
Туркман халқининг миллий етакчиси,
Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси

▶ Давоми 2-бетда

Байрам шуқудли



САЛОМ БЎЛСИН ЎН ИККИ ОЙ САРВАРИГА!

Кўз очиб юмгунча тўрт фасл алмашиб, 2025 йилнинг остонасидан ўтиб олдик. Эски йил умримизнинг яна бир бўлагини ўзи билан тарих қатларига олиб кетди. Ҳозир янги орзу-мақсадлар, янги режалар тузиладиган дам. Зеро, орзу — руҳнинг қамчиси, хаёл эса — улови. Интиқиб кутиладиган байрамда, албатта, кўзланган марра ва ниятлар ҳам янгиланади.

▶ Давоми 2-бетда

ЙИЛДА ХАЛҚИМИЗ
ҚАЁТИНИ ФАРОВОНЛИК
САРИ ЎЗГАРТИРГАН

2024

24 МУҲИМ ВОҚЕА

Инсон қадрини учун 10 МИЛЛИОНДАН ЗИЁД АҲОЛИГА ДАХЛДОР муаммо ҳал этилмоқда



2024

ЙИЛДА ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИНИ ФАРОВОНЛИК САРИ ЎЗГАРТИРГАН

24 МУҲИМ ВОҚЕА



Яқунига етган йилда давлатчилигимиз, иқтисодийимиз барқарорлиги, жамиятимиз фаровонлиги нуқтаи назаридан кузатилган энг муҳим воқеа-ҳодисалар, илгари сурилган ташаббуслар, эришилган натижаларга бир қур назар ташлар эканмиз, тарихий зафарли одимлар кўплигидан уларни наинки газетамизнинг битта тўлиқ сони, балки ўнлаб саҳифаларига сиғдира олмаслигимизга амин бўлдик. Шу боис, 2024 йилда халқимиз ҳаётини фаровонлик сари ўзгартирган 24 та энг муҳим ислоҳотни ва уларнинг самараларини алоҳида кўрсатишга қарор қилдик.

1 Аҳолини ҳар томонлама ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳаллаларда маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ҳодим ва солиқ инспекторидан иборат **“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ”** фаолияти йўлга қўйилди.



2 Жиззах вилоятида Хитойнинг етакчи **“BYD”** компанияси билан ҳамкорликда **ГИБРИД ва ЭЛЕКТР АВТОМОБИЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА СТАРТ** берилди.

3 ТАДБИРКОРЛАРНИНГ БАРҚАРОВЛИК РЕЙТИНГИ ЖОРИЙ ҚИЛИНДИ. Унга асосан, тадбиркорлар фаолият даври, рентабеллик даражаси, тўлов интизоми, аҳоли бандлигидаги ўрни ва иш ҳақи каби мезонлар асосида **4 ТА ТОИФАГА АЖРАТИЛИБ, РЕЙТИНГИ ЮҚОРИЛАР** учун бир қатор имтиёз ва рағбатлантирувчи тизим яратилгани тадбиркорликнинг жадал ривожланишига хизмат қилмоқда.



4 АМУДАРЁДА ЯНГИ КўПРИК Фойдаланишга топширилди. Ҳам автомобиль, ҳам темир йўл ўтказувчи мазкур кўприк қурилунига қадар одамлар ўтган асрнинг эллигинчи йилларида олиб келинган эски понтон кўприқдан фойдаланиб келар эди. Узунлиги **423 метр**ли кўприк билан бирга Шовот-Қораўзақ бекатларини боғлайдиган **85 километрлик** темир йўл ҳамда **3 та** вокзал ҳам барпо этилди. Натижада йўлнинг ўтказиш қобилияти **4 баробарга** ошиб, бир кеча-кундузда **12 минг** автомобиль ҳаракатлана бошлади. Бу билан **Йўловчиларнинг 2 соат вақти тежаллиши ва дарёдан хавфсиз ўтиши таъминланди.**

5 Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бошланган **ҲИЖОТ, САЙХУНОБОД, ЗАРБОД ва ҲИЖДУВОН ТАЖРИБАЛАРИ** асосида халқимиз турмуши фаровонлигини таъминлаш, **КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ** ҳаракати оммавий тус олди.

6 ЯНГИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ҚУРИЛИШЛАР ЖАДАЛЛАШДИ. Асп қурилиши сифатида эътироф этилаётган мазкур йирик бунёдкорлик лойиҳаси илм ва таълим масканларидан бошланди. Булар маърифатли жамият барпо этиш гоямизнинг асоси ва намунасидир.



7 Президентимиз **10 МИЛЛИОНДАН ЗИЁД АҲОЛИ ҲАЁТИГА** дахлдор “Ўзбошимчилик билан эгалланган ер участкалари ҳамда уларда қурилган бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги қонунни имзолади.



8 Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Тошкент шаҳрида **РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ва РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ** фойдаланишга топширилди.

9 Ўзбекистон спортчилари Парижда бўлиб ўтган **XXXII ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ва XVII ЁЗГИ ПАРАЛИМПИАДА** ўйинларида тарихий рекорд натижаларни қўлга киритди. Олимпиячиларимиз **13 та — 8 олтин, 2 кумуш ва 3 бронза** медал билан **206 давлат** орасида **13-ўринни**, паралимпиячиларимиз **26 та — 10 олтин, 9 кумуш ва 7 бронза** медал жамғариб, **168 ДАВЛАТ** ичида **13-ўринни** эгаллади.



10 ҚўНҒИРОТ — БЕЙНЕУ автомобиль йўлининг янгидан қурилган **240 КИЛОМЕТРИ** фойдаланишга топширилди. Мамлакатимизни Европа давлатлари билан боғлайдиган ушбу стратегик автомагистрал халқро ташувлар масофасини **1000 километргача**, транспорт харажатларини эса **25 фоизгача** камайтиради. **ЮРТИМИЗНИ КАСПИЙ ва ҚОРА ДЕНГИЗ** портлари орқали Европа бозорлари билан ишончли боғлайди.

11 Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари кенгашларига сайлов янги таҳрирдаги Конституцияимизга мувофиқ **ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИДА ИЛК** бор аралаш сайлов тизими асосида ўтказилди.



12 Биринчи марта Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига раислар депутатлар орасидан сайланди. Ушбу сиёсий ислоҳот орқали халқимизнинг **30 йиллик** орзуси **РЎБГА** чиқарилди. 2024 йилда ҳокимларнинг **33 та** ваколати кенгашларга олиб берилди, яна **17 та** ваколатни ўтказиш режа қилинган.

13 Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2024 йил 13 декабрь кунги янги энергетика қувватларини ишга тушириш ҳамда навбатдагиларини қуришга бағишланган тантанали маросимда иштирок этиб, умумий қиймати **7 МИЛИАРД ДОЛЛАРДАН** зиёд **24 ТА** лойиҳага старт берди. Шундан **18 ТА** мажмуа фойдаланишга топширилди ҳамда **6 ТА** лойиҳанинг қурилиши бошланди.



14 “ЎЗБЕКИСТОН — 2030” стратегиясида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажмини **160 миллиард** долларга етказиш мақсад қилинган. Бу кўрсаткич 2024 йилнинг ўзида **110 миллиард** долларга етиши прогноз қилинган. **2030 йилга бориб ЭСА** мамлакатимиз иқтисодий ҳажмини **200 МИЛИАРД** долларга етказиш салоҳияти бор.

15 “КАМБАҒАЛЛИКДАН ФАРОВОНЛИК САРИ” дастури қабул қилиниб, **2025 йилда 1 МИЛЛИОН** аҳолини камбағалликдан чиқариш белгиланди.



16 Барча ҳудудларда иш бошлаган **“ИНСОН”** ижтимоий хизматлар марказлари фаолияти самарасида бевосита маҳаллаларда аҳолига кўрсатилаётган **ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР** сони **100 дан** ошди.

17 Узоқ йиллик танаффусдан сўнг **“ХОНОБОД”, “МИНГ ТЕПА”, “ҚОРАСУВ”** ва **“УЧҚЎРҒОН”** чегара постлари фаолияти тикланди. Келгуси йилда **“Ғишткўприк”, “Навоий”, “Довут-ота”, “Шовот”** ва **“Гулбаҳор”** чегара постларида қўшимча коридорлар қурилиб, ўтказиш қуввати **5 қарра** оширилади.

18 МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ тизимидаги қамров **74** фоиздан, олий таълимда эса **39** фоиздан ошди.



19 **WORLD TRADE ORGANIZATION** Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёни яқиний босқичга кирди. Мамлакатимиз ташкилотга аъзо бўлиш бўйича **21 ДАВЛАТ** билан **ИККИ** томонлама музокараларни яқунлади.

20 **КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИ СЎНГИ 4 йилда 23** фоиздан **11** фоизга тушди. 2024 йил якуни бўйича эса ушбу кўрсаткични **9** фоизга тушириш мақсад қилинган.



21 Ўзбекистон Европа ва Марказий Осиёда иқтисодийи энг тез ўсаётган **3 ТА** давлат қаторидан жой олди.

22 2024 йилда мамлакатимизда электр энергия ишлаб чиқариш тармоғида **“ЯШИЛ”** энергия улуши **16** фоиздан ошди. Энергия ишлаб чиқарувчи нодавлат компаниялар сони **11** тага етди.



23 Аҳолини марказлашган ичимлик сув билан таъминлаш даражаси 2017 йилдаги **63,9** фоиздан 2024 йилда **80** фоизга етказилди. **НАТИЖАДА 3 МИЛЛИОН** юртдошимизнинг ичимлик сув таъминоти яхшиланди.

24 **ХИТОЙ — ҚИРГИЗИСТОН — ЎЗБЕКИСТОН** янги магистрал темир йўли қурилишига старт берилди.

Инсон қадри учун



Хатлов ишлари бошланди. Жараёнга кадастр идораларининг 4500 дан ортиқ мутахассиси жалб қилинди. Бугунга қадар 575 та маҳалладаги 116 минг 198 та объектда хатлов ишлари якунланди.

10 МИЛЛИОНДАН ЗИЁД АҲОЛИГА ДАХЛДОР МУАММО ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

“Ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги қонун айти шу жиҳатлари билан эътирофга лойиқ.

Поёнига етган йилда мамлакатимизда одамлар турмушини фаровонлаштириш, муносиб ҳаёт кечириши учун шароит яратишга эътибор янада кучайди. Бунинг учун ҳуқуқий асослар мустаҳкамланди. Илгари имконсиздек туюлган ишлар, ташаббусларга қўл урилди. Хусусан, 2024 йилнинг 5 август кунини давлатимиз раҳбари имзолаган “Ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги қонун орқали кўпчилик кутаётган, миллионлаб оилалар ҳаётига дахлдор масалага ечим топилди.

2023 йил 21 ноябрда ер ҳисоби ва кадастр хизматлари бўйича ўтган видеоселектор йиғилишида бу масалани қонуний ҳал этиш зарурлигини айтган эди. Қонун айти шу масалани ҳал этиш учун қабул қилинди.

Ҳужжатда 8 та ҳолатдаги ер участкалари ҳамда уларда жойлашган биноларга ҳуқуқларни эътироф этиш назарда тутилди. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг тақлифига кўра, 2024-2025 йиллар учун режа-жадвал тасдиқланди. Унга мувофиқ, икки йил давомида 3878 та маҳалладаги 2259 мингдан зиёд объектда хатлов ўтказилди.

Мазкур қонун ҳамда унинг ижроси юзасидан бошланган ишларни, том маънода,



ўтган йилнинг тарихий воқеаларидан бири сифатида эътироф этсак арзийди. Чунки у орқали миллионлаб юрдошларимиз ҳаётида ўзгариш содир бўлди. Одамларнинг ўн йил-

лар давомида ноаниқ бўлиб турган саволларига жавоб берилди. Яъни улар амалда бору ҳужжатда йўқ уйларига эгалик қиладиган бўлди. Энди “Уйим олиб қўйилмасмикан?”,

“Бузиб ташланмасмикан?” деган ҳадик ва хавотирларга ўрин қолмайд.

Қонун қабул қилинган, унинг аҳамияти хусусида эътирофлар кўп янгради. Мамлакатимизда юритилаётган инсонпарвар, халқчил сиёсатнинг мантқий давоми экани ҳақида кўп гапирилди. 3 миллион 600 мингдан ортиқ ер участкасининг ҳар бири ўртача 3-4 нафардан фуқаро ва тадбиркорга дахлдор бўлса, бу қонун 10 миллиондан зиёд кишининг муаммосини ҳал қилиб, келгуси ҳаётига қонуний замин яратилиши айтилди.

Шу пайтгача қонун ижросини, ижрочида етказилишини таъминлаш мақсадида ўқув-семинарлар ўтказилди ҳамда қонуннинг моҳияти ва аҳамияти хусусида аҳоли ўртасида тушунтиришлар олиб борилди, оммавий ахборот воситаларида 100 дан ортиқ кўрсатув намойиш этилиди, радиоэшитиришлар узатилди, мақолалар чоп этилди.

Хатлов жараёнини рақамлаштириш мақсадида Кадастр агентлиги томонидан “Эътироф” ахборот тизими ишлаб чиқилди. Ўз навбатида, “Эътироф” ахборот тизими UZKAD тизимига интеграция қилиниб, хатлов жараёнида шакллантирилган маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилди. Давлат органлари масъулари учун ахборот тизимидан фойдаланиш бўйича ўқув машғулотлари ўтказилди.

Хатлов ишлари бошланди. Жараёнга кадастр идораларининг 4500 дан ортиқ мутахассиси жалб қилинди. Бугунга қадар 575 та маҳалладаги 116 минг 198 та объектда хатлов ишлари якунланди.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2025 йил якунига қадар 700 мингдан зиёд фуқаронинг уй-жойга эгалик ҳуқуқини эътироф этиш масаласи кўриб чиқилди. Бу жуда эътиборга молик рақам. Юрдошларимизнинг фикр ва мулоҳазаларидан ҳам бунинг аниқлиги кўриниб келди.

ЕРГА МУНОСАБАТДА ЯНГИЧА МЕХАНИЗМ

Шавкат МУРОДОВ, Давлат кадастрлари палатаси Сурхондарё вилояти бошқармаси давлат ер кадастрини юритиш шўъбаси бошлиғи:



— Сурхондарё вилоятида 724 маҳалла мавжуд. Кадастр агентлиги мутахассислари томонидан график асосида 2024 йилда 24 маҳаллада хатлов ишлари бажарилди.

Дастлаб ишлар Музработ туманидан бошланди. Аввало, семинар ташкил этилиб, вилоят масъуллари томонидан Кадастр агентлиги ишчи гуруҳи ходимларига хатлов жараёнини ўтказиш тўғрисида аниқ кўрсатмалар берилди. Хонадонларга борганда ҳам фуқароларга масалани тўғри тушунириш катта аҳамиятга эга.

Масалан, мазкур қонун ер участкаларини тўғри бошқариш, ноқонуний ҳаракатларни бартараф этиш ва фуқаролар учун қонунийликни таъминлашга хизмат қилиши, ерга оид қонун бузилиши ҳолатлари учун жавобгарлик кучайтирилиши, ўзбошимчилик билан эгаллаш ва ноқонуний иморат қуриш ҳолатлари камайишига хизмат қилиши маълум қилиниши лозим.

Музработ туманида 37 та маҳалла мавжуд бўлиб, режага биноан “Шаффоф” МФЙ ҳудудда яшовчи фуқароларнинг ер майдони тўлиқ хатловдан ўтказилди.

Вилоятнинг барча ҳудудларида соҳа мутахассислари томонидан фуқароларга ҳужжатсиз қурилган уйларни қонунийлаштиришнинг аниқ тартиб-тамоийлари ҳақида батафсил тушунтириш берилмоқда. Натигада йиллар давомида ерга муносабатда мавжуд бўлган ноаниқликлар аниқ асослар билан белгилаб олинмоқда.

Хатлов жараёнида кадастр ходимлари ҳам белгиланган ваколатидан четта чиқиб, таъмагирлик қилса ёки коррупция ҳаракатини амалга оширса, Кадастр агентлиги Сурхондарё вилояти бошқармасининг коррупцияга қарши курашиш бўлими ишонч телефонларига боғлиниш учун маълумотномалар ҳам тақдим этилмоқда.

Фуқаролардан хатлов жараёнига турли воситачиларни аралаштирмаслик, кадастр ходимларига “Тезлаштириш, имконини қилиб беринг” деган турли важлар билан моддий манфаатдорликни тақлиф қилмаслик ҳам сўралмоқда. Боиси, бугунги ёки эртаги хонадонларга хатлов учун, албатта, борилади. Ҳар бир хонадон учун ҳар бир ходимдан сўров бўлади. Шу борада ҳам ўзаро ҳамжиҳатликка ишланиш мумкин. Ушбу масалаларда, шунингдек, фуқароларга ҳужжатсиз қурилган уйларни қонунийлаштиришнинг аниқ тартиб-тамоийлари ҳақида соҳа мутахассислари томонидан батафсил тушунтириш берилмоқда.

ҚОНУН КУЧИ ИЖРОДА

Дилмурод ТУРСУНОВ, Ёзёнов тумани “Янгибўстон” МФЙ раиси:



— Қонун кучи ижрода намоён бўлади. Шу жиҳатдан “Ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги қонун кўлаб оилалар ҳаёт тарзига ҳуқуқий эркинлик, мулк дахлдорлигини олиб кирди.

Бу жараён бизнинг ҳудудда биринчилардан бўлиб амалга оширилмоқда. Маҳалламизда 147 та хонадон бор. Аммо уларнинг аксариятида эгалик ҳуқуқи йўқ эди. Бунинг ҳисобига айрим фуқароларни тегишли тартибда яшаш жойига рўйхатга қўйишда тушунмовчилик, ортиқча овозгарчилик юзага келаётганди.

Хатлов жараёнида хонадонларни тегишли тартибда рўйхатдан ўтказиш, ҳужжатларни жамлашига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, кадастр, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари, маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда ўзбошимчилик билан эгалланган ер участкалари ва улардаги ноқонуний қурилишлар назорати ҳамда камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар бериб бораёмиз. Қонун доирасидан четта чиқилган ёки қонунга зид ҳолда ер участкаларини ўзбошимчилик билан эгаллаб, ноқонуний қурилишлар қилган шахсларга маммурий ёки жиноий жавобгарлик белгиланган юзасидан тарғибот тадбирларни ўтказиб келияёмиз. Маҳалладошларимиз орасида “Ўзбошимчилик билан ер участкаларини эгаллаб олма, қонун доирасида ҳужжатлаштиришга эришаман”, деб фирибгарлар тузоғига тушиб қолмаслик чораларини кўряёмиз, хушёр ва огоҳ бўлишга чақиряёмиз.

Қонунда уй-жой кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш эмас, балки ҳуқуқ белгиловчи ҳужжатлари бўлмагани учун ер ва биноларга ҳуқуқни эътироф этиш масаласи рад этилди. Тадбиркорлик субъектлари томонидан

ўзбошимчилик билан қурилган иморатларга эмас, балки тадбиркорлик субъектларига ҳокимликлар томонидан ер ажратибли, вилоят даражасида тасдиқланмаган ҳолатлар ҳамда тадбиркорлик субъектлари кичик саноат зоналарига жойлаштирилиб, ҳоким қарори чиқарилмай қолган ҳолатлар кўриб чиқилиши назарда тутилган юзасидан учрашув, давра суҳбатлари ўтказиб келияёти.

Хонадонларда бўлиб, тўпланган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва қонунийлигини вилоят адлия бошқармаси томонидан кўриб чиқилишига юбориляпти. Натижалар эса маҳалла бурчаклари, Кадастр агентлигининг сайти орқали жамоатчиликка эълон қилинади. Ижобий хулоса олган фуқароларга СМС хабарнома келади. Шу асосида бир мартила тўловни тўлаётганларга ҳар қандай халқ депутатлари вилоят кенгаши қарори билан ҳуқуқлар эътироф этилади.

Мазкур қонун кўпчилик юрдошларимиз интиқиб кутаётган янгилик бўлди. Ўзи яшаб турган хонадон эгалари ер участкаси ва қурилган бино, иншоотларнинг ҳуқуқий ҳужжатлари йўқлигини хавотирда юрган бўлса, энди бу муаммолар барҳам топмоқда.

УЙИМИЗНИНГ ҲАҚИҚИЙ ЭГАСИ БЎЛАМИЗ

Ҳаётда инсоннинг орзуси кўп бўлади. Ана шулардан энг муҳими ўз ватани, оиласи ва албатта, уйи бўлишидир. Биз ўз юртимизда улғайдик, ўсдик, оила қурдик. Тўғриси, уй-жойга эга бўлишда бир оз қийналадим. Инсоннинг уйи бўлмаса, оиласида осойишталик, кўнглида ҳаловат бўлмастгини ҳис қилдик, бошимдан ўтказдик.

Навоий шаҳрига Хатирчи туманидан келганман. Ишга жойлашганимдан кейин ижарага хонадон топишга мажбур бўлдим. Ёш оиламиз, бир фарзандимиз бор. 2015 йилда шаҳарга яқин жойдан уй олиш ҳаракатига тушдик.

Бир танишимдан Кармана туманидаги фермер уй-жой қуриш учун фуқароларга ер сотаётганини эшитиб, ота-онам, яқинларим кўмағига 6 сотих ер сотиб олдим. Ерни сотган фермер кейинчилик барчасини ҳужжатлаштириб беришини ва уй қурилгандан кейин кадастр ҳужжатлари қилинишини айтганди.

Афсуски, уйни қуриб, бир-икки хонасини таъмирлаб, кўчиб кирганимиздан кейин муаммолар бошланди. Уйга кадастр ҳужжатларини тайёрлаш учун тегишли ташкилотларга борганимизда ер ноқонуний эгаллаб олинганини айтиб, аризамиз рад этилди. Жуда кўп овора бўлдик.

Энг ёмони, не-не қийинчиликлар билан қурган уйимизни бузиб ташлаш учун суддан ҳам қозғаб келганди. Ўша кунларда Президентимиз қарори билан “Бир марталик акция” эълон қилинганди юрагимизда

умид уйғонган эди. Афсуски, белгиланган муддатда ҳужжатларни тўғрилашнинг имкони бўлмади. Улғурмадик.

Ноилж, яна шаҳардан ижарага уй олиб кўчиб чиқдик. Аросатда қолиб, оиламда ҳам, ишамда ҳам ҳаловат бўлмади. “Ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги қонун туфайли кўнглимда яна умид уйғонди. Мен каби ер сотиб олиб, уй қуриб, кадастр ҳужжатларини тўғрилашнинг имконини топилаётган, аросатда юрган қўшнларим ҳам хурсанд бўлди.

Қонунда 2018 йил 1 майгача яқка тартибдаги уй-жой қуриш ўзбошимчилик билан эгалланган ер ҳамда ундаги бино ва иншоотларга эгалик ҳуқуқини бериш белгиланган экан. Бу биздек аросатда қолган фуқароларга катта имконият. Ахир неча йилдан бун қандай азоблару овозгарчиликни бошимдан ўтказганим ўзимга, оиламга ва яқинларимга аён.

Ушбу қонун ноябрда тўлиқ кучга кирди. Биз ҳам тегишли ташкилотларга мурожаат қилдик. Айни вақтда хатлов жараёни кетмоқда экан. Бундан имконият берган Президентимиздан миннатдоримиз. Яқин кунларда уйимизнинг қонуний эгаси бўлиб, оиламиз билан ҳаловатда яшаймиз, деган умиддамиз.

Жонибек ОЙБЕКОВ
Навоий шаҳри

ИМКОНЯТДАН ЧЕКСИЗ МАМНУНМИЗ

Маҳмуд АЛАУАТДИНОВ:



— Нукус шаҳридаги “Ата макан” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қиламан. Иморатини тиклаганимга 20 йил бўлди. Аммо шу вақт ичида кадастр ҳужжатлари бўлмагани учун жуда кўп муаммога дуч келдим. Жисмоний шахслар томонидан қурилган уй-жойларга эгалик ҳуқуқини бериши биз каби фуқаролар манфаати ҳимояси йўлида муҳим қадам бўлди.

Шаҳар ҳокимлигидан масъуллар келиб, ҳолатни ўрганди. Кейин уй-жойга эгалик қилиш ҳуқуқини бериш бўйича кадастр ҳужжатини тақдим эттидик. Энди ўз уй-жойимга эга бўлдим ва оила аъзоларим билан бирга осойишта ҳаёт кечираёмиз.

Қонун билан 2018 йил 1 майгача яқка тартибдаги уй-жой қуриш ўзбошимчилик билан эгалланган ер ҳамда ундаги бино ва иншоотларга эгалик ҳуқуқини бериш белгиланган биздек аросатда юрганлар учун катта имконият бўлди.

Бундан чексиз миннатдоримиз. Бўлмаса, яна қанча йиллар қийналиб яшардик. Оиламизда фарзандларимиз камол топмоқда. Энди уларнинг тарбияси билан беҳавотир шугулланишга имкон бор.

Нукус шаҳри

ЎЗ “ВАТАНИМИЗ” БОР

Дилбар АЛЛАНИЯЗОВА:

— 2015 йилда Кўнғирот тумани “Қиёт” овул фуқаролар йиғини ҳудудида яхши ният билан иморат тикладим. Лекин кадастр ҳужжати бўлмагани учун уйимни газ, электр, сув тармоқларига улай олмадим. Ушбу хонадонга рўйхатга ҳам киритилмадик. Кўнглимизда ҳаловат бўлмади. Кадастр ҳужжатларини тайёрлаш учун тегишли ташкилотларга борганимда аризамиз қабул қилинмади. Шу боис, қанча меҳнатимиз эвазига қад ростилаган уйимизда яшай олмайдик. Уйимиз эса турган сари эскириб бораётган эди.

Президентимизнинг 2023 йил 28 июлдаги “Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда жисмоний шахслар томонидан қурилган уй-жой-

ларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги фармони биз учун узоқ йиллар орзиқиб кутилган ҳужжат бўлди. Бу билан мазкур йўналишдаги ишлар Қорақалпоғистонда олдинроқ бошланди. 2024 йил августда қабул қилинган қонун эса бу ишларни янада тезлаштирди.

Мана, орадан неча йил ўтиб, бизникидек ҳужжатсиз, кадастри йўқ уй-жойларни ҳужжатлаштиришга рухсат берилгани чексиз қувончга сабаб бўлмоқда. Уйимнинг ҳақиқий эгасига айландим. Иморатимга ўзим эгалик қиламан. Йиллар давомида сарсон-саргардон бўлганлар ҳолатини жуда яхши тушунади. Катта уйинг бўлгани билан унда яшаш, истиқомат қилиш ҳуқуқи бўлмасди, қийин. Энди ушбу хонадонда рўйхатга қўйилиб, невараларимни бемалол болалар боғчасига олиб бораёман.

Кўнғирот тумани





Тахлилчиларнинг айтишича, битта дарахт йил давомида 125 килограммгача кислород ишлаб чиқаради. Бу билан ўрта ҳисобда икки инсон бир йил тўйиб нафас олиши мумкинлигини ҳамма ҳам билмайди. Акс ҳолда, бирорта қуриган дарахтни учратмасдик.

Она табиат

Давлатимиз раҳбари Бектемир туманида барпо этилган янги боққа кўчат экканида, дарахт экиш борасида яхши бир гапни айтди: “Бу анъана ўзи бизда бор. Халқимиз табиатни “она” дейди, ерни, сувни эъзозлайди”.

Биринчи жумланинг ўзиёқ хулоса чиқаришимиз учун кифоя қилади. Аждодлардан мерос табиатни асраш масъулиятини доим ҳис этишимиз керак. Унинг йил номига кўчгани эса экологик вазиятни тўғрилаш бежиз давлат сиёсати даражасига кўрилмаганидан далолат. Илло, бутун дунёда экологик муаммо бирламчи бўлиб турган ҳозирги даврда тоза ҳаво, қулай

иқлим яратиш, хавфсизлигимизни таъминлаш муҳим масала.

Бугун ҳар бир хонадон, ҳар бир ташкилот яшилликни кўпайтиришга, табиатни асрашга ҳисса қўшиши кераклиги такрор-такрор айтиляпти. Халқимиз шахсий намуни, эл ардоғидаги шахслар фикрини доим қўллаб-қувватлаган. Шу боис, сеvimли санъаткорларимизнинг табиат, яшиллик ҳақидаги мулоҳазалари билан қизиқдик.

ЯШИЛЛИКДАН ЯШНАГАЙ ИЖОД

Эзгуликка бахшида йил

Абдухашим ИСМОИЛОВ, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти:



— “Яшил макон” деган сўз аслида қадрият эмас, мерос бизга. Ўзингиз ўйланг, шундай эзгу қадрият, ҳаракат яна қайси юртда бўляпти? Буни фақат бизнинг миллат қилади. Зеро, қайси ўзбекнинг хонадонига борманг, албатта, дарахт экилган бўлади. Баҳорда кийгос гулласса, ёзда яшилгани турса, кузда олтин рангга кирса, кўзимиз қувнаб, диллимиз яйрайди. Шундай экан, ҳар бир дарахтнинг қадрига этишимиз керак.

Ўзим ҳам ўтган йил кўчмаишга, ҳовлига узум, олма экдим. Уларни парваришладан завқланаман. Меҳмон келса, шу дарахтнинг соясида салқин сулага жой қилиб, бир пилла чой берсангиз борми... Яшилликка нима етсин? Шунинг учун юртимизни яшилликка буркашга, ҳавони тозалашга раҳнамолик қилаётганларга “лаббай” деб хайрихоҳ бўлишимиз жоиз. Чунончи, бундай ишларни бошлаган инсонга, амалга оширган кишиларга жуда катта савоб ёзилар экан. Дунёдан ўтиб кетганларидан кейин ҳам дарахтнинг сояси, мевасидан баҳра олганларнинг дуолари шу ишга ҳисса қўшганларга етиб боришини кўп эшитамиз. Шунинг учун баъзи инсонлар кўча-кўй, маҳаллаларга беминнат дарахт экаверади.

Оқиқ айтиш керак, баъзи одамлар кўчасига дарахт экиб қўйилса ҳам уйдан бир челек сув олиб чиқиб қўйишга ярамайди,

қадрига етмайди. Экиш қўлимиздан келмайтми, лоқал янги экилган ниҳоллар кўкка бўй қўзишга ҳиссамизни қўшишимиз керак-да. Бу табиатни асраш, инсонийлик, дегани ахир. Қаранг, кириб келган йилимизнинг номида ҳам шу инсоний, олижаноб хислатга ургу берилди. Бу табиат билан муносабатларимизнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, табиат чиндан ҳам ажралмас бўлагимиз эканидан далолат. Буни ҳис қилган ҳолда бир йилни табиатга бахшида қилаётганимиздан қувонялгимиз. Шу муддатда одамларимиз табиатга қаратилмаган алоҳида эътибор, қилинажак ишларга ўзи билмаган ҳолда қўшилиб кетади. Умуман олганда, табиатнинг азиз неъматлигини ҳис қилган кишилар уни асраб-авайлашга виждонан камарбаста бўлаверади.

Тозалик, ободлик бор жойда барака бўлади

Ёдгора ЗИЯМУХАММЕДОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:



— Болалигимиздан тупроқнинг, сувнинг азизлигини, дарахт табиатнинг бир мўъжизаси эканини эшитиб улғайганмиз. Яхшидан бог қолишини бот-бот айтарди катталар. Бугун экаётган ниҳолларимиз кўркам боғлар бўлгани, яшил дарахтзорларга айланганини ўзимиз кўрмасак, авлодларимиз кўради. Шу боғларни яратганлар, дея бизни эслашади, ўзлари ҳам эзгу ишларни доим эттиришга чоғланади.

Давлатимиз раҳбари 2025 йил номини айтганида, роса хурсанд бўлдик. Негаки шунча йиллардан буён болаларни, оналарни асрашга, ёшларга, қарияларга эътибор бериб келинди. Энди она табиатга давлат сиёсати даражасида қарашимиз, албатта, энг муносиб фарзандликка хос қарор бўлди. Зора, энди бутун эътиборимиз, диққатимиз шунга қаратилиб, йиллар давомида она табиатимизни ганимат билмаганимизни англаб етсак. Унинг кўнглини шод этиш, атрофида айланаб-ўргилиб хизматини қилишга бел боғласак, қандай яхши! Тозалик, ободлик бор жойда барака бўлади. Илоҳим, кириб келган йил табиатнинг ўзи бизни энг азиз неъматлари, баракатлари билан сийласин. Бунга жавобан эса ҳар биримизнинг унга меҳримиз ортсин. Санъат, ижод вакиллари эса яшилликдан янашган ҳаётда гўзал ижодга шўнғиб юрсин.

Меҳр берсангиз, дарахт ҳам оилангиз азсосидек бўлиб қолади

Тургун БЕКНАЗАРОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

— Ота-болаларимиз дарахт экиб, бог кўкартирган. Дарахтнинг соясида ҳузурланиб чанқоғини қондирган, мевасидан тотган одам ич-ичидан “Дарахт экканнинг отасига раҳмат”, дейишини улар яхши билган. Қаранг, дарахт экиб ҳам отага раҳмат келтириш мумкин. Мана, 3-4 йилдан буён юртимиз бўйлаб қанчадан қанча дарахт экиляпти, боғлар барпо бўляпти. Бу ишлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта. Давлатимиз раҳбарининг ўзи ташаббускор бўлиб, кўплаб боғларга кўчат ўтказди. Эзгу ният билан тупроққа кўмилаётган ҳар битта илди эрга туташиб кетса, табиатга қони фойда. Зеро, битта дарахтни кўкартириш осон эмас. Дарахт ҳам тирик жон, оилангиз азсосидек бўлиб қолади. Меҳр берсангиздан савобатини аямайди. Кесиби, азоблаганлар эса, албатта, жавоб беради.

Ҳовлида турганимиз учун дарахт экиш энг сеvimли ишим. Қарга борма, албатта, ўзимизда бўлмаган дарахт кўчатини сотиб оламан. Чет элларга борганимда ҳам

ажабовур, манзарали дарахтларга разм солиб юраман. Шу дарахт жуда ажойиб экан, кўчатидан олсак бўларкан дейман, албатта, беришади. Энг қимматбаҳо нарсани қўлга киритгандек хурсанд бўлиб қайтаман. Баъзан тўлқинланиб, бир нималар ёзиб юборгим келади.

Шу ўринда Президентимизнинг ҳамма соҳада “она табиат” деган жумланинг маъносига етиш, ёзувчилар, шоирлар шеър, достонлар ёзиши, кинолар чиқарилиши муҳимлигини айтгани ёдимга тушди. Чиндан ҳам биз, ижод, санъат аҳли бу борада фаол бўлишимиз, одамлар табиатини онадек меҳрибонлигини ҳис этишга хизмат қилишимиз керак. Ўйлаймики, Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йилида бунга эришамиз. Йилга бундай ном беришдан кўзланган мақсад ҳам шу, эзгу, хато бўлмайди. Чунки онанинг меҳри беқўёслигини тушуниб етган инсонгина уни асраб-авайлашга ҳаракат қилади.

Муножат МҲМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Пўқтай назар ХУЛОСАЛАР ФУРСАТИ



Жонибек АЛИ, ёш ижодкор

Орта қолган 2024 йил турли саргузаштларга бой бўлди, десам тўғри бўлади. Йил давомида инсоний ва фуқаровий тажрибаларим янада ортди, дунёқарашим муайян маънода бойиди. Келинг, имкон бор экан, шулар ҳақида қисқача айтиб берай. Балки бу тажриба кимгадир асқатиб қолар.

Мен учун ўтган йил пойтахтда кичик ватанли бўлиш, яъни уй сотиб олишнинг ширин ташвишлари билан бошланган эди. Ростки, бу борада жуда кўп имкониятлар изладим, турли қурилиш ташкилотлари фаолияти билан танишдим.

Сарҳисоб инсонга ўтган баҳрдан, воқеалардан хулоса чиқариш, келажак учун режалар тузиш, ютуқлардан қувониш, ҳаётдан розилик туйиш имкониятларини беради. Бугун янги йилни кутиб олдик. Хўш, орадан ўтган бир йилни қандай ўтказдик? Қандай ютуқларга эришдик? Нималарни қўлдан бой бердик?

Охири бир қарорга келдим. Жойлашув, тўлов шартлари — барча-барчаси маъқул бўлди. Бироқ жараён давомида сездимки, мамлакатимизда янги уй-жой сотиб олишнинг кафолатлари ниҳоятда нозик аҳволда. Қурувчи ва харидор ўртасида тузиладиган шартномалар, қатъий назорат йўқлиги боисми, кўпроқ қурувчининг манфаатларини ҳимоя қилишига

Орта қолган 2024 йил турли саргузаштларга бой йил бўлди, десам тўғри бўлади. Йил давомида инсоний ва фуқаровий тажрибаларим янада ортди, дунёқарашим муайян маънода бойиди. Келинг, имкон бор экан, шулар ҳақида қисқача айтиб берай. Балки бу тажрибалар кимгадир асқатиб қолар.

амин бўлдим. Қисқача айтганда, мамлакатимизда янги уй олаётган кўпчилик инсонлар то янги хонадоннинг калити ва ҳужжатларини қўлга олмагунча қайси-дир маънода жонини ҳовучлаб яшайди гўё. Менда шундай таассурот уйгонган эди. Ростки, бу борада жуда кўп имкониятлар изладим, турли қурилиш ташкилотлари фаолияти билан танишдим.



белгиларини сезгач, дастлаб хусусий тиббиёт муассасаларига мурожаат қилдим. Очиги, улардаги хизмат кўрсатиш, кафолат анча маъқул бўлди, бироқ шунга давлат шифохонасига мурожаат қилишга тўғри келди. Росткини айтсам, жамиятимизда давлат шифохоналари ҳақида пайдо бўлган стереотип туфайли мен ҳам бошида кўрқандим. Бироқ жарроҳлик муолажаларини бошдан ўтказиб сездимки, одамларнинг давлат тиббиёт муассасалари ҳақидаги фикри анча бўрттирилган экан. Шифокорлар жарроҳликдан то тузали кетгунимча ғамхўрлик қилди турди. Бироқ бу ерда эътибор қаратиш лозим бўлган бир жиҳат бор, сиз шифокор танлашда таниш-билишларнинг таъсирига амал қилишингиз анча афзал бўлар экан. Шўқрки, давлат тиббиёт муассасаларида

даволаниб, соғлигимдаги муаммодан халос бўлдим.

Ўтган бир йилда ҳаётимда содир бўлган яна бир муҳим воқеа — оила қурдим. Очиги, никоҳдан ўтиш масаласи қоғозбозликнинг ўзи бўлса керак, деган фикрда эдим. Аммо бундай бўлиб чиқмади. Аризани онлайн топширдик, бунда никоҳни қайд этиш маъноси сифатида ўзингизга маъқул ҳудудни танлашингиз мумкинлиги жуда маъқул келди. Яъни расмий жиҳатдан доимий яшаш жойини вилоятда бўлгани учун вилоятимизга бориб топширсак керак, деган хаёл йўқ эмасди. Аксинча, ўзингизга маъқул туманни танладик. Танлаган туманимизнинг Давлат хизматлари марказига қақшириш ва тиббий кўриқдан ўтиш учун йўлланма беришди. Тиббий кўриқдан ўтишга нақд икки кун сарфладик. Агар кўриқдан ўтиш муассасалари бир ерга жамланса, нур устига нур бўларди, деб ўйладим. Шунда бу жараёнга, менимча, ярим кун ҳам вақт кетмасди керак. Аммо сарфлаган вақтимизга ачиндим, сабаби соғлиқ ҳамма учун муҳим. “Тиббий кўриқдан ўтиш пул билан ҳал бўлади”, деган гаплар эса аллақачон қуруқ сафсатага айланиб қолган экан.

Йил давомида мен дуч келган яна бир муаммо ижара масаласи бўлди. Табиийки, ёш оила сифатида янги ижара уй топишимиз керак эди. Мамлакатимизда ижара тизимининг энг салбий жиҳати — келишув хорижий валюта воситасида тузилиши бўлиб туюлди менга. Аслида, миллий валютада маош оладиган биз каби инсонлар учун бундай келишув таваккалнинг ўзигина. Сабаби келгусида хорижий валютанинг миллий валютага нисбатан қиймати қанчаллик ўзгаришини олдиндан била олмайсиз. Масалан, йил бошидаги қиймат

билан ҳозирги қиймат орасида фарқ анча сезиларли.

Хуллас, бир амаллаб “маклер”лар воситасида ижарага уй топдик. Уларнинг хизмат ҳақи ижара қийматининг 50 фоиз миқдорда эканининг ўзи алоҳида мавзу. Шунда уй эгаси билан ижара келишувини миллий валютада тузишга уриниб кўрдим. Бироқ уй эгаси рози бўлмади. Унинг ҳам хавотирни юқорида айтганимиздек, орадаги қиймат ўзгариши билан боғлиқ. Шунда амин бўлдимки, ақсар юртдошларимизнинг миллий пулимизга ишончи хануз сустигича қолмоқда. Фикримча, бу салбий ҳолат. Бу масъуллар олдида мамлакатимиз ҳудудида миллий валютанимиз нуфузини оширишга оид чора-тадбирларни кучайтириш вазифасини қўяйди.

Орадан кўп вақт ўтмади, ижара уйимиз жойлашган ҳудуд поликлиникасига рўйхатга қўйилдик. Ростки, бу сафар қоғозбозлик ҳолатлари бутунлай барҳам топди деб ўйладим, лекин амин бўлдимки, унинг нишонлари хануз мавжуд. Дастлаб ижара шартномасини кўтариб, поликлиникага бордим. Улар рўйхатга қўйиш учун бунинг ўзи етарли эмаслигини, маҳалладан маълумотнома олиб келишимни айтди. “Маҳалладан справка” деган нарса ҳали бор экан-да! Маҳалла идорасига келиб, вазиятни тушунтирсам, улар ҳақиқатан шу уйда яшашимизни тасдиқлаш учун ён қўшиларимиздан ёзма далолатнома олиб келишни айтишди. “Ҳозир нечанчи аср?” деган саволимдан кейин бир амаллаб ёзиб беришди. Ваҳоланки, ижара шартномасида уй эгасининг электрон розилиги мавжуд бўлади. Ишқилиб, олдингида поликлиникага рўйхатга қўйишимиз учун икки кун овора бўлдик. Аслида, бу ҳам соддалаштириш осон бўлган жараён эди. Ўйлаймики, масъуллар уни тўлиқ рақамлаштириш устида ишламоқда.

Хуллас, орта қолган йил шулар ва бошқа катта-кичик воқеа-ҳодисаларга бой бўлди. Энг муҳими, мамлакатимиз ривожланиётгани, турмушимиз фаровон бўлаётганини янада кўришга имкон бўлди. Кечяётган илҳотларга янада кўпроқ ҳисса қўшишга чоғламоқда. Кириб келган янги йил ҳам ана шундай шиддатли ва хилма-хил воқеаларга бой бўлади деб умид қиламан.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!